# ҲИКМАТЛАР

Эҳтиёжларнинг тури ҳам, сони ҳам кўп, уни фақат кўпчилик бўлиб бирлашган кишиларгина бажо келтира олади, шунинг учун инсон тўп-тўп бўлиб яшашга муҳтож.

****

Хато содир бўлмаслиги учун донишмандлар қайта-қайта кузатишни ва зиён етиш имкониятидан сақланишни тавсия қилганлар.

****

Баъзи бир кишилар ўзининг паст табиатлиги сабабли бирон яхшиликка эришиш учун ёки ўзининг юраксизлиги ва қўрқоқлиги сабабли ёмонликдан қутулиб қолиш учун ёлғон хабар тарқатадилар.

****

Асаларилар ҳам ўз жинсидан бўлатуриб ишламай қувидаги асални бекорга еб ётадиганларини ўлдириб ташлайди.

*Абу Райҳон БЕРУНИЙ.*


Ватанни севмак иймондандур!

# ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1996 йил 22 февраль, пайшанба № 23 (21.944).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган


## КИЧИК, АММО ФОЙДАЛИ КОРХОНА

*Қишлоқда ислоҳот жараёни қандай кечмоқда?*

«Чироқчи нони» атамаси анчадан буён мавжуд. Ҳали унумдор ерлар ғалла учун ажратилмаган кезларда ҳам бу йирик туман қир-адирларида чош-чош хирмон уйиларди.

Аммо туманда донни қайта ишлаш муаммоси кўпдан мавжуд эди. Бу узоқ йиллар саноатнинг, хусусан, кичик саноатнинг ривожига етарли эътибор берилмаганлиги, туман аҳолисига ижтимоий-маиший, тиббий хизмат кўрсатиш борасида анча орқада қолганлиги билан ҳам боғлиқ. Юртбошимиз халқ ноиблари Қашқадарё вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида қишлоқлар ривожи, кичик саноатни тезроқ вужудга келтиришга алоҳида эътиборни қаратди. Бугунги кунда Чироқчи туманида ҳам юртбошимиз кўрсатмаларини амалга ошириш юзасидан аниқ тадбирлар амалга оширияпти.

Масалан, ана шундай ибратли ишлардан бири Айритомда — дон қабул қилиш идорасида амалга оша бошлади. Туман ҳокимлигининг саъй-ҳаракати билан Россиянинг Пермь шаҳридан келган ҳамкорлар кичик, аммо фойдали корхонани қуриб беришди. Янги тегирмонда ҳар куни 25 тонна ун ишлаб чиқарилмоқда. Тажриба сифатида қурилган бу тегирмондан бошқа жойларда ҳам фойдаланиш нияти туғилган.

— Ҳозирча улкан корхоналарни тиклашга имкониятимиз йўқ, — дейди туман бош меъмори Фаҳриддин Умаров. — Менимча, йирик корхоналардан кўра, ихчам, ишлаб чиқариш жараёнлари маҳаллий шароитга мосларининг фойдаси кўпроқ. Яқинда Чироқчида яна бир кичик корхона қуриб битказилди. Хусусий сармоя эвазига тикланган тегирмонда ҳар куни ўн тонна сифатли ун ишлаб чиқарилади.

Бош меъмор ҳақ. Ўнга яқин хўжалик дон топширадиган жойда қурилган бу корхонада ун оддий тегирмонга қараганда сифатли тортилмоқда. Бу ундан пиширилган Чироқчи нонлари катта элнинг дастурхонига тортиляпти. Ўз дони, ўз уни, ўз нонига не етсин!

**Юнус УЗОҚОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## СЎНГГИ СОАТДА

### МАМЛАКАТИМИЗДА

· Қорақалпоғистон Республика кутубхонасида буюк соҳибқирон Амир Темур таваллуд тўйига бағишланган китоблар кўргазмаси очилди. Унда қўйилган ўзбек, қорақалпоқ, қозоқ ва рус тилларидаги адабиётлар, турли альбом ҳамда тақвимлар улуғ бобокалонимиз ҳаёти ва фаолияти, саркардалик салоҳияти тўғрисида ҳикоя қилади.

***

**· Келес шаҳри аҳолиси қурувчилардан ажойиб туҳфа олди. Туман марказида ҳар кеча-кундузда 10 тонна хуштаъм маҳсулот тайёрлайдиган нон заводи фойдаланишга топширилди. Туркиядан келтириб ўрнатилган «Экмосан» печлари ёрдамида шаҳарликларга 20 турда иссиқ нон етказиб берила бошлади.**

***

· «Хоразм ипаги» ҳиссадорлик бирлашмасининг Рига шаҳридаги «Милана роза» фирмаси билан ҳамкорлиги яхши самара бермоқда. Латвияликлар қорапўчоқ чиқинди пиллани харид қилмоқда. Бирлашма биргина ўтган йил ҳосилидан салкам 100 тонна шундай маҳсулот сотди. Бу маҳсулот Хитой, Ҳиндистон, Вьетнам каби мамлакатларни ҳам қизиқтириб қолди. Корхона шу йўл билан олинаётган валюта ҳисобига хориждан вискоза толаси ва кимёвий бўёқлар келтирмоқда.

### ЖАҲОНДА

**· Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти экспертлари келгуси уч ой давомида Босния ва Герцоговина ҳудудида қуролсизланиш бўйича 50 та назорат тадбири ўтказади.**

**Ушбу тадбирлар собиқ Югославиядаги урушаётган томонлар ўртасида ўзаро ишончни мустаҳкамлаш чоралари бўйича шу йилнинг январь ойида Венада эришилган шартномага асосланган.**

* * *

· ХХР Ташқи ишлар вазирлиги Хитой Покистонга ядро қуроли технологияси етказиб бергани тўғрисида АҚШ матбуоти тарқатган хабарни рад этувчи баёнот берди. «Хитой масъулиятни ҳис қиладиган давлатдир. У ҳеч қачон бошқа давлатларга ядро қуроли ишлаб чиқариш технологиясини етказиб бермаган ва бундан кейин ҳам бу ишни қилмайди», дейилади баёнотда.

* * *

**· Жазоирнинг «Сонатрак» давлат компанияси АҚШнинг «Арко» нефть компанияси билан Жазоирдаги йирик Рхурд ал-Бугэл нефть конини ўзлаштириш бўйича умумий қиймати бир миллиард АҚШ долларига тенг шартномани имзолади.**

## • Иқтисодиёт олами •

### ЎЗИМИЗНИНГ ХОМ АШЁДАН ҚОҒОЗ

*«Ўзбексаноатқалинқоғозсавдо» ҳиссадорлик бирлашмаси билан «Ўзбекмебель» давлат ҳиссадорлик бирлашмасининг ҳамкорликда ўтказган тажрибаси қоғоз муаммосини ҳал қилишда жуда асқотди. Айни пайтда Ангрендаги қалин қоғоз (картон) савдо бирлашмасида йилига 20 минг тонна целлюлоза ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган янги тизим (линия) ишга туширилди. Энг муҳими, целлюлоза ўзимизнинг хом ашё — пахта чиқиндиси, каноп, буғдой сомони ва шоли похолидан тайёрланаётир. Целлюлозадан китоб, дафтар ва газеталар учун юқори сифатли қоғоз оладиган бу корхона ҳозирча Марказий Осиёда ягонадир. Ҳадемай, унинг яна икки тизими фойдаланишга топширилади.*

**Абдунаби МАННОПОВ.**

### ТАДБИРКОРЛАР НИЯТИ

*ХОРАЗМ (мухбиримиздан). Халқ истеъмоли молларини кўпайтириш, аҳолига маиший хизмат кўрсатишни яхшилашда кичик корхона ва фирмаларнинг аҳамияти алоҳида.*

*Бу борада Хива тумани тадбиркорларининг ишлари таҳсинга лойиқ. «Амударё» хусусий фирмасида қарийб 200 нафар киши меҳнат қилмоқда. Улар тайёрлаётган аёллар ва эркаклар кийим-кечаклари сифати, замонавийлиги билан харидорларга манзур бўляпти. Фирманинг машина таъмирлаш ва темирчилик устахоналарида амалга оширилаётган ишлар ҳам кўнгилдагидек. Тадбиркорлар аҳолига савдо ва маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш учун кичик бозорча ташкил қилишни мўлжаллашмоқда.*

**Қурбон МУҲАММАДРИЗО.**

### «САЛАМАНДЕР» — ЧАРМГАРЛАР МАҲАЛЛАСИДА

*ФАРҒОНА (мухбиримиздан). Ишга туширилган «Ўзсаламан» Ўзбекистон —Германия қўшма корхонаси қад ростлаган жойлар бир вақтлар Чармгарлик маҳалласи дейиларди. Марғилондан олисда жойлашган бу маҳалланинг таърифи водийга тарқалганди. Чармгарлар ўзларининг махси, кавуш, этиклари билан довруғ қозонишган.*

*Замона зайли билан бу маҳалла деярли ўзгариб, номи ҳам унутилган эди. От айланиб қозиғини топади, дейишганидек айни шу ерда дунё андозаларига тўла жавоб берадиган сифатли пойабзаллар ишлаб чиқарадиган қўшма корхона барпо этилди. Қизиғи шундаки, ўша собиқ чармгарларнинг авлодлари янги корхонада йилига ярим миллион жуфт пойабзал ишлаб чиқаришга аҳд қилиб туришибди.*

*— «Саламандер» фирмасининг келажаги порлоқ, — дейди қўшма корхона вакили Вернер Рост корхонанинг очилиши маросимида. — «Ўзсаламан» қўшма корхонаси Германия ва Ўзбекистон ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.*

**Алишер ИБОДИНОВ.**



**Она, бешик омон бўлса, ранги рўйинг сомон бўлмас.**

**А. МАМАДАМИНОВ олган сурат.**

## ФЕРМЕРНИНГ ШИЖОАТИ

*Шукрулло дастлаб ишни дала шийпонини таъмирлашдан бошлади. Ёнига айвон қурди. Қаторига 80 бош молни боқадиган молхона қўшди. Гўшт етиштиришни режалаб, новвослар келтирди. Фермер хўжалигига укалари — Йўлдошали, Рустамжон, келинлари, қўшниси — Абдувоҳид ака Олимов ўғли Зоҳиджон билан аъзо бўлишди. Шукрулло уззу-кун фермер хўжалигини оёққа турғазиш ҳақида ўйлади. Ибратли ишлаганлар тажрибасини ўрганди. Иккита трактор сотиб олди. Ўзи ҳам, укалари ҳам техникадан хабардорликлари учун тракторлардан самарали фойдаланишди. Кичик жамоанинг иши юришди қолди.*

*Ҳозир Шаҳрихон туманидаги «Шарқ юлдузи» жамоа хўжалиги ҳудудида фаолият кўрсатаётган Шукрулло Мўминов бошчилигидаги «Ғайрат» деҳқон (фермер) хўжалиги ривожланиш йўлидан дадил бормоқда. Давлатдан олинган қарз пули аллақачон қайтарилди. Бу йилнинг ҳисобига 3 тонна гўшт тортилди. Йил охиригача бу натижа ҳеч гап бўлмай қолиши аниқ. Ўнлаб новвослар гўштга тортадиган даражада семириб етилди. Фермер эса уларнинг ўрнини тўлдириш учун наслчилик хўжалигида бўлган ким ошди савдосида 42 бош зотдор бузоқ харид қилди. Энди маҳсулот етиштириш ва топширишда узилиш бўлмайди. Демак, фермер хўжалиги хазинасига барака қўшилади.*

**Аҳмадилло СОЛИЕВ.**

## ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ ИШ БОШЛАДИ

БУХОРО. (мухбиримиздан). Бу ерда қадимий шаҳарнинг 2500 йиллигига бағишланган «Ипак йўли»нинг тикланиши: Ўзбекистонда маърифий туризмни ривожлантириш ва маданий меросни эъзозлаш» мавзуида халқаро конференция иш бошлади. Унда кўплаб хорижий мамлакатлар, халқаро ташкилотларнинг вакиллари иштирок этмоқдалар. Анжуман иштирокчилари Бухорои Шарифнинг тарихий ёдгорликларини зиёрат қилдилар.

Икки кун давом этадиган конференцияда қатор давлатлар ва манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда маданий меросимизни қайта тиклаш ва ривожлантириш бўйича узоқ муддатли режалар кўриб чиқилади, бу соҳадаги фойдали алоқалар изланади, халқаро мақсадли жамғарма тузиш масалалари муҳокама этилади.

**Даврон БАҲРОНОВ.**

## КОМБАЙН СИНОВДАН ЎТДИ

Олмониянинг махсус фирмаси билан Зангиотадаги «Узбекистон» станоксозлик заводи ҳиссадорлик жамияти ҳамкорликда ишлаб чиқарган «Марал-125» янги дон ўриш машинаси синовдан ўтказилди.

Кўпчиликда катта қизиқиш уйғотаётган бу комбайн тежамкорликда жаҳон андозаларига тенг келади. Комбайн ташқи кўриниш жиҳатидан кўркам, ишлаш жараёни осон ва чаққон. Дон нобудгарчилигига йўл қўймаслик каби сифатлари, айниқса, манзур бўлмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, бундай машина мамлакатимизда ғаллачиликни ривожлантиришда асқотади. Уни кўздан кечирган хусусий, кичик ва қўшма корхонанинг вакиллари машинани юқори баҳолашди.

**А. НАБИЕВ.**

## *Таҳлил ва сабоқ*

# ҚОЛОҚЛИКНИ СОТИБ ОЛГАНЛАР

«Оққўрғон» жамоа хўжалиги (Жарқўрғон тумани) 1995 йилда ёппасига қолоқликка юз тутди. Хўжаликда, айниқса, ғалла етиштириш соҳасидаги сусткашлик юқори идоралар томонидан мутлақо муроса қилиб бўлмайдиган ҳолат, деб баҳоланди.

Хўш, олдинги йиллари тўртовнинг иккиси, икковнинг бири бўлиб ишлаб келган, унча-мунча қийинчиликларга ўнгирини бостирмаган, кимсан — оққўрғонликман, деб гапни оғиз тўлдириб гапирган одамларга нима бўлди? Қолоқлик уларга осмондан тушдими, ернинг тубидан чиқдими. Ё...

— Қолоқлик бизга... Қимматга тушди... тушяпти, — дейди хўжаликнинг бош буғолтири Чори Хўжамуродов.

— Қимматга тушиб, нима, қолоқликни сотиб олганмисизлар, — деб сўрайман буғолтирдан.

— Йўғ-е, — дейди буғолтир хонасига эрталабдан мухбир кириб қолгани ўзига хуш келмаганини яширолмай. — Айтаман-да... Мана, раисни сўраяпсиз. Раиснинг хизмат машинаси бузуқ. Хўжалик ихтиёрида бир қатра бензин йўқ.

— Бу машина, бензин бўлмаса, раис ишга чиқмайди, деганингизми?

— Йўғ-е... Ишга чиққандир. Лекин... Мошинангиз бўлса, уйига боринг. Гаражга боринг. Ё туман марказидан топарсиз? Ҳозир бошқа мутахассисларимизниям топиш қийин. — Мошина, бензин йўқ. Кун — совуқ.

Ўзингиз-чи? Ғалла ҳисоб-китобидан икки оғиз гапиринг ўзингиз, — дейман Хўжамуродовга.

— Ўзимми... 690 гектарча ерга ғалла эккан бўлсак керак. 1995 хўжалик йилини айтаяпман-да. Гектарига 20 центнерданми ошириб ҳосил олган бўлсак керак. 100 тоннача буғдойни аҳолига сотган бўлсак керак. Килограммини 2 сўмдан сотганмизми...

— Рақамларни ҳужжатга қараб айтсангиз, — деб сўрайман буғолтирдан.

— Айтолмайман., — дейди Чори Хўжамуродов.

— Биласизми?

— Биламан. Лекин-да, айтолмайман. Айтмайман. Раисни топинг. Уйидами, гараждами... Бошқа мутахассислар... Шу...

Буғолтирнинг эҳтиёткорлигиданми, масъулиятдан узоқроқда туришиданми лол қолиб идорадан чиқдим. Ва раисни излаб топишга умидим бўлмай, туман прокуратурасига ўтдим. Прокуратура терговчиси Эрмат Мелонов «Оққўрғон»нинг ғалласи ҳақида, қолоқлик сабаблари ҳақида бош буғолтирга нисбатан кўпроқ нарсани биларкан. Терговчи деди: хўжалик 1995 йил учун 690 гектар майдонга ғалла экдик, деб маълумот берган. Аслида эса бу ерда ғалла 611 гектар майдонга экилган. Демак, ғалла экилиши лозим бўлган 79 гектар майдонда бўлим бошлиқлари, бригадирлар, сувчилар, тракторчилар ва яна бошқа одамлар хўжалик билан шартнома тузмасдан ўз манфаатлари учун ерёнғоқ, полиз, бошқа экинларни экиб олишган. Масалан, Мардаев Бобомурод, Жабборов Йўлдош, Жабборов Эргаш сингари ўрта бўғин раҳбарлари хўжалик раҳбарларининг назоратни, интизомни бўшаштириб юборганларидан фойдаланиб, бу ишга ҳайбаракаллачилик қилишган.

Хўжаликда 1995 йилда гектаридан 20,24 центнердан ҳосил олинган. Бу режадагидан 15 центнерга кам.

1995 йилда хўжаликда 131 тонна 710 килограмм буғдой «аҳолига сотилди» қилиб қоғозлаштирилган. Буғдойнинг килограмми одамларга 80-90 тийин нарх билан сотилди, деб ҳужжатлаштирилгани бу ўринда ҳам кўзбўямачилик қилинмадимикин, деган шубҳани уйғотади. (Ахир ялпи ҳосилни сунъий равишда кўпайтирмоқ учун сотилмаган буғдойни «сотди» деб қоғозлаштириш, тажрибаси ҳам эҳтимолдан холи бўлмаслиги мумкин-да).

Ўриб, янчиб, хирмонга келтирилган ғалланинг 201,5 тоннаси тупроққа чиқди, тошга чиқди, қилиб чиқим қилинган.

Хуллас, қолоқликнинг сабаби — хўжасизлик. Бу шунчаки лоқайдлик ё эътиборсизликдан эмас, аллақандай манфаатдорликларга, ғайриқонуний хатти-ҳаракатларга туташиб кетгандек бўлган хўжасизлик эканлигини инобатга олиб, шу ишлар бўйича тергов ҳаракатларини давом эттиряпмиз.

Хўжалик бошқарувининг раиси Қурбон Тошболтаев терговчи келтириб турган далилларни инкор қилмаган ҳолда қуйидагиларни қўшимча қилди:

— Ғалла ёки пахта етиштирилиши лозим бўлган жойда ўзаро келишувчилик билан режада кўрсатилмаган экин экиб олиш бизга вилоятимиздаги, жумладан, туманимиздаги айрим хўжаликлардан юққан касаллик. Бу иллатнинг илдизини қуритамиз.

Иккинчидан: Боботоғ деб аталадиган даштда 400 гектарга яқин еримиз бор. Бу ерлар бизга узоқдан — Аму дарёсидан оқиб келадиган ва 4-5 кўтарма насос чиқариб берадиган сув билан суғорилади. Бу ерларни мен бежизга «дашт» демадим. Бу ерларни ўзлаштиришда, топшириш ва қабул қилиб олишда ғирт кўзбўямачиликка йўл қўйилган. Энди нафақат биз, балки, тумандаги Ҳ. Олимжон номли, «Шарқ юлдузи» хўжаликлари қўриқ очиш шунқорлари томонидан содир этилган ўша кўзбўямачиликларнинг шундаям жабрини тортишяптики... Шундай қия ерлар борки, сув қуйсанг, ювиб жар қилиб кетади. Даланинг баландлик қисмига эскироқ трактор чиқиб боролмайди. Ўша жойларда экилган ғалланинг бир қисми мутлақо сув ичмади. Ҳосил бўлмай кетди. Тегишли идоралар ер шароити, сув — суғориш шароитидаги рангимизни чиқармаётган муаммоларни ҳам ўйлаб кўриб, муносабат билдиришларини истардик.

Такрор айтаман: ғаллачиликдаги, жумладан, пахтачиликдаги ўтган йил содир қилинган лоқайдлик, масъулиятсизлик бизга сабоқ, аччиқ сабоқ бўлди. Қайта такрорламаймиз...

**Олимжон УСАНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

*Ҳуқуқий демократик давлат сари*

# АДОЛАТ ТАРОЗИСИ

***Йил бошида қай соҳада бўлмасин, бажарилган ишлар сарҳисоб қилинади. Фаолиятга бир назар ташланади. Туманимизда ҳам қонунчиликни таъминлаш борасида талай ишлар амалга оширилди. 1995 йил давомида содир этилган жиноятларнинг деярли ҳаммаси очилди. Сўнггиси ҳам поёнига етказиляпти. Жиноятчиликнинг олдини олиш учун фуқаролар, жамоалар ҳамда маҳаллаларда ҳуқуқий дарслар ўтказилмоқда. Кўрилган тадбирий чоралар туфайли ўтган йили жиноят содир этиш ҳоллари олдингига кўра анча камайди.***

## НАЗОРАТ НАТИЖАСИ

Халқимизни ижтимоий ҳимоя қилиш доимий вазифалардан бири. Яқинда туман ташкилотларида ижтимоий ҳимоя учун маблағларни белгиланган ҳисоб рақамларига ўтказилишини ўргандик. Бу муҳим ишни орқага суриб келаётган қатор ташкилотлар борлиги аниқланди. Ижтимоий ҳимоя масаласига эътиборсизлик билан муносабатда бўлган масъул раҳбарларга тегишли чоралар кўрилди. 600 минг сўм пул ижтимоий ҳимоя йўналишидаги ҳисоб рақамига туширилди. Нафақа, пенсия пулларини етказиб беришда маълум силжиш юз берди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 21 ноябрдаги «Экинларни пайҳон қилишга қарши курашни кучайтириш тўғрисида»ги Фармонини амалга ошириш борасида туман ички ишлар бўлими ходимлари, хўжаликларнинг раҳбарлари, мутахассислар, маҳаллалар фаоллари билан ҳамкорликда суҳбатлар ўтказдик. Мулоқотларда масаланинг моҳият мазмуни уқтирилди. Бугунги кўм-кўк майса ойлар ўтиб, дастурхонимизга ризқ-насиба бўлиб улашилади. Буни ҳамма билади. Ўшандан-да фуқаролар фаоллик кўрсатдилар. Хўжаликлар мутахассислари томонидан бошоқли дон экинлари майдонларида махсус назорат постлари ташкил этилди. Экинларни пайҳон қилиш бутунлай барҳам топаётгани ташлаётган қадамларимиз тўғрилигидан дарак бермоқда.

## ҚИММАТХОННИНГ ҚОТИЛИ

Бўз шаҳридаги Акмал Икромов кўчаси 74-уй, 8-хонадонда яшовчи Қимматхон Комиловани ўз уйида оғир тан жароҳати етказиб, ўлдирилганлиги ҳақида хабар олинди. Шу заҳотиёқ туман ички ишлар бўлими ходимлари билан ишга киришдик. Тезкор ҳаракатлар ҳисобига жиноят тугунлари очила борди. Жамоатчилик вакилларининг ёрдами туфайли хонадон соҳибасининг кимлар билан яқин алоқада бўлиши аниқланди. Жиноят содир этилган тунда Қимматхоннинг шаҳрихонлик ёстиқдоши Р. Ж. шу ерда бўлганлиги тўғрисида тезкор ахборотлар тўпланди. Унинг изига тушилди. Р. Ж. Шаҳрихондаги оиладошларига «Тошкентга кетяпман» дегани шубҳали кўринди. Ўшандан-да у қаерда қўним топганлигини аниқлаш лозим эди. Бунга муваффақ бўлинди. Синчковлик, тергов суриштирувлари натижасида Қимматхоннинг қотили Р. Ж. экани исботланди.

Қотил қочиб қутулолмади. Бу оғир жиноятнинг келиб чиқиш сабаблари мулоҳаза юритишга ундайди. Эркак ва аёлнинг ўзаро жанжали, тарбиясидаги «кемтиклар» жиноят юз беришига шароит яратди. Шу тун хонадон дастурхонига қўйилган спиртли ичимликдан тотинган Р. Ж. шер бўлиб инсон ҳаётига тажовуз қилди. Бир инсон бевақт ҳаётдан кўз юмди. Иккинчиси эса қотил деган қора ном олиб, жиноят курсисига ўтирди. Ушбу жиноятнинг жабри шу билан тугамайди, албатта. Ёш фарзандларнинг ота-она меҳридан бенасиб бўлишлари янаям оғир.

## ҚОПДАГИ ОҒУ

Ҳануз енгил йўл билан мўмай пул топиш пайида бўлаётганлар бор. Улуғбек номли жамоа хўжалигининг Солиҳмахсум маҳалласида истиқомат қилувчи Х. К. ҳам ана шундай бели оғримай пул топиш «касали»га мубтало бўлганлар тоифасидан экан. Бўлганига яраша ботмонли бўлай деб режа тузган Х. К. ўзини оғуфурушликка урди. Жарақ-жарақ пул келишини ўйлагани сари кўзи ўйнади. Лекин сотиш учун 2 килою 900 грамм нашани ҳозирлаб қўйган чоғида тумшуғидан илинди. Режаси чаппасига кетди. Туман ички ишлар бўлими ходимлари нашафурушнинг фаолиятига нуқта қўйдилар. Энди у қилмиши учун қонун олдида жавоб беради.

Биз ҳуқуқий демократик давлат қуриш, қонун устиворлигини таъминлаш йўлидан боряпмиз. Бу борада ҳар биримиз қандай вазифа, лавозимда ишламайлик, қонунларни ўрганиб, уларга риоя этишни таъминлашимиз зарур. Шунда жиноятчилик сезиларли камайиб, фуқаролар жиноят кўчасига кириб қолмайдилар. Адолат қарор топади.

**Шуҳратжон ОТАЖОНОВ,**
**Бўз тумани прокурори.**

*SPORT*

## БАҲРАЙН САФАРИ

***ТЕННИС. Мамлакатимиз моҳир теннисчилари Баҳрайн сафарига йўл олдилар.***

Улар эртага бошланадиган Осиё-Океания минтақаси иккинчи гуруҳи баҳсларида иштирок этадилар. Г. Дашевский бошчилигидаги О. Огородов, Д. Томашевич, В. Куценко, Т. Хонхўжаевлардан иборат жамоамиз майдон эгалари билан ўзаро куч синашадилар.

## СОВРИНДОРЛАР АНИҚЛАНДИ

***ЕНГИЛ АТЛЕТИКА. Ўзбекистон кубоги учун ёпиқ майдонда ўтказилган мусобақа мухлисларда яхши таассурот қолдирди.***

300 нафар спортчи икки гуруҳга бўлиниб, ўзаро мусобақалашди. Совриндорлик баҳсида югурувчилардан А. Кучмуродов, И. Дмитриада, М. Шайхутдинов, У. Мамадалиевлар турли масофаларда маррада биринчи бўлишди. Ғовлар оша югуришда Ҳасан Раҳимов маҳорат кўрсатди. Жамоа ҳисобида «Тошкент I», Жиззах ва Наманган вилоятларининг вакиллари совринли ўринларни эгаллашди.



***Сўзана ва палакларнинг гулшанида, атлас ва шойиларнинг ўтли даврасида дугоналарнинг дилбар келин қўлидан пиёла олишида қанчалар нафосат, қанчалар ёруғлик бор.***

**Владимир МОЛГАЧЕВ олган сурат.**

*Китоб жавонингизга*

## ҲАММА ЎҚИСА БЎЛАДИ

Олий мактабнинг, жумладан тиббиёт олий ўқув юртларининг бош вазифаси малакали мутахассислар тайёрлашдан иборат. Бунинг учун эса аввало замонавий тиббиёт фани ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ёзилган етарли миқдордаги дарсликлар ва ўқув қўлланмалари зарур. Шу маънода Ибн Сино номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси томонидан чиқарилган «Оператив жарроҳлик» ўқув қўлланмасининг тиббиёт институтлари талабалари қўлига теккани яхши иш бўлди.

Тиббиёт фанлари доктори, профессор Нажиюлла Шомирзаев, тиббиёт фанлари номзоди Ниғматулла Саъдуллаев, тиббиёт фанлари доктори Зуҳра Ботировалар ҳаммуаллифлигида тайёрланган мазкур қўлланма оператив жарроҳлик бўйича кундалик дастурга асосан замонавий талаблар, тиббиёт фани ютуқларини ҳисобга олган ҳолда тузилган. Дарсликда оператив жарроҳлик тўғрисидаги умумий саволлар, жарроҳликнинг турли бўлимлари бўйича асосий оператив усуллар техникаси баён этилган. Бундан ташқари, жарроҳлик соҳасида ультратовуш, лазер, ёпиштирувчи моддаларнинг асосий қўлланилиш қоидалари таърифлаб берилган. Муҳими, ҳар бир боб сўнггида талабалар билимини мустаҳкамлаш мақсадида саволлар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати келтирилган.

Аслида қўлланма тиббиёт институтлари талабалари учун мўлжалланган. Лекин у ўз саломатлиги учун ўзи қайғуриши керак бўлган, бунинг учун қисман бўлса-да тиббий билимга эга бўлишга қизиққан китобхонлар эътиборини ҳам жалб этиши шубҳасиз.

**Умида РАҲИМОВА.**

А.М.Р. Энтепрайзес
У нас вы найдете все самое лучшее в мире




БЭСТ : Моющее средство с отбеливателем - для более чистой и нежной стирки белья.




ПРОМО : Чистый индийский СТС чай. Изготовлен из специально отобранных сортов чая для полного удовлетворения ваших вкусов.




ПРОМИС : Уникальная зубная паста с содержанием фтора. Отбеливает и придает блеск вашим зубам. Приятный запах в ротовой полости в течение целого дня.

ПОСЕТИТЕ НАС, И МЫ ПРЕДСТАВИМ ВАМ ОСОБОЕ ПРЕДЛОЖЕНИЕ !

А.М.Р. Энтепрайзес
УЗБЕКИСТАН, Г.ТАШКЕНТ-700128, УЛ. АБДУЛЛЫ КОДИРИЙ, NO.7, КОМ.313, ТЕЛ: 007-3712-414882
ФАКС: 007-3712-414882, УЗБЕКИСТАН, Г.ТАШКЕНТ - 700000. П/Я 5814

BVV-302

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

**Бош муҳаррир: Азим СУЮН**

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб), Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, факс: 33-79-14.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда -- 5-27-11; Бухорода -- 3-54-87; Гулистонда -- 2-26-22; Жиззахда -- 3-31-86; Навоийда -- 3-75-43; Наманганда -- 6-43-43; Нукусда -- 7-58-83; Самарқандда -- 35-22-90; Тошкентда -- 33-12-56; Урганчда -- 6-51-35; Фарғонада -- 26-37-16; Қаршида -- 3-25-79; Қумқўрғонда -- 5-26-24.

Сотувда эркин нархда.
• Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120
• Газета офсет усулида А—2 форматида босилади
• Ҳажми 2 босма табоқ
• Г — 062

Навбатчи муҳаррир Н. ШАКАРОВ, навбатчи С. САЛИМОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди 24.00. 1 2 3 4 5 6.